

429550

## ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ШАРТНОМАСИ № 03

2022 йил 06 январь

Навоий шаҳри

**“ВИЛОЯТ ХОКИМЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ” ДАВЛАТ УНИТАР ҚОРХОНАСИ** (кейинги ўринларда “Бажарувчи” деб юритилади) номидан  
Низом асосида фаолият юритувчи раҳбар Х.Фармонов ҳамда иккинчи томондан

(ташкilot номи ва манзили)

(кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият юритувчи раҳбар \_\_\_\_\_ ушбу шартномани қуйидагича туздилар:

### I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

- 1.1. Ушбу шартнома бўйича “Бажарувчи” “Буюртмачи” нинг буюртмасига асосан электрон хужжат айланиши тизимидан фойдаланиш техник жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бўйича хизмат кўрсатади.  
“Буюртмачи” эса ушбу кўрсатиладиган хизматларни белгиланган тартибда қабул қилиб олади.
- 1.2. “Бажарувчи” ва “Буюртмачи” учун: (Бажарилмаган ишнинг номи, маркази, артикули)

Т/р	Бажарилмаган ишнинг номи	Фойдаланувчи сони	Муддати	Бир ойлик Нархи	Умумий суммаси
1	«IS-Docflow» электрон хужжат айланиши тизимидан фойдаланишнинг техник жиҳатдан қўллаб қувватлаш хизмати 2022 йил учун	1	12 ой	67500	810000
2	Вилоят ҳокимлиги хужжат айланиш тизими структурасига маълумотларни қўйиш	1	Бир марталик		270000
3	Буюртмачи талабига асосан дастурни web версиясига кўчириш логин парол яратиш	1	Бир марталик		270000
	<b>Жами</b>				<b>1 350 000</b>

Сумма: **1 350 000** (Бир миллион уч юз эллик минг ) сўм сўм КҚС сиз.

### II. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 2.1. “Буюртмачи”нинг ҳуқуқлари:  
“Бажарувчи”дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив хужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;  
“Бажарувчи”дан “Хизматлар” “Буюртмачи”нинг ҳисобига транспортда ташишганда транспорт харажатларини қоплашни талаб қилиш;  
“Хизматлар”нинг камчиликлари бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар “Буюртмачи” ёхуд учинчи шахслар томонидан тўғриланиши харажатларини қоплашни;  
шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қоплашини “Бажарувчи”дан талаб қилиш.
- 2.2. “Буюртмачи”нинг мажбуриятлари:  
ўз буюртманомаси бўйича кўрсатилган “Хизматлар”ни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;  
“Хизматлар”га мазкур шартноманинг 3.1-бандида кўрсатилган нарх бўйича, қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзоланган пайтдан бошлаб 5 иш куни мобайнида ҳақ тўлаш.
- 2.3. “Бажарувчи” қуйидаги ҳуқуқларга эга:  
кўрсатилган “Хизматлар” учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун хужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини “Буюртмачи”дан талаб қилиш;  
берилган буюртманомасига мувофиқ кўрсатилган “Хизматлар”ни қабул қилиш асосиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қоплашини “Буюртмачи”дан талаб қилиш.
- 2.4. “Бажарувчи” қуйидагиларга мажбур:  
“Буюртмачи”га “Хизматлар”ни мазкур шартномага мувофиқ ёки “Буюртмачи” томонидан мазкур шартномада назарда тутилган тартибда берилмаган унинг буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва миқдорда кўрсатиш;  
агар “Хизматлар”ни кўрсатиш жараёнида “Бажарувчи” шартнома шартлари ва нормативлардан чекиншига йўл қўйган бўлса, “Буюртмачи”нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 10 иш куни муддатда текин тузатиб бериш.

### III. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ -КИТОБ ТАРТИБИ

- 3.1. Мазкур шартноманинг баҳоси : **1 350 000** (Бир миллион уч юз эллик минг ) сўми ташкил этиб, ишнинг ҳар бирлиги учун сўмда ҳақ тўланади.
- 3.2. Мазкур шартнома бўйича ҳисоб-китоблар пулни кўчириш йўли билан олдиндан 30% маблағни тўлаш йўли билан, қолган 70% миқдордаги тулов эса ишлар бажарилганлигидан сўнг амалга оширилади
- 3.3. Кўрсатилган “Хизматлар” учун тўлов нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади.
- 3.4. Мазкур шартнома суммаси “Бажарувчи” ва “Буюртмачи”нинг розилиги билан тасдиқланади.

### IV. ИШНИ ТОПШИРИШ ШАРТЛАРИ

- 4.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун хужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.
- 4.2. “Хизматлар” қабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади ҳамда тарафлар томонидан имзоланади.